Тўловга қобилиятсизлиги эътироф этилган “ROSTOK-N” масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг йиғилиш
БАЁННОМАСИ № 19

« 20 » октябрь 2026 йил **Тошкент шаҳар**

Кун тартибидаги масалалар

1. Тугатиш бошқарувчисининг амалга оширилган ишлари юзасидан оралиқ ҳисоботи.
2. “ROSTOK-N” МЧЖ кредиторларининг 20.10.2026 йил ҳолатига шакллантирилган талаблари реестрини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
3. 2026 йил 20 октябрь кунги бўлиб ўтган Электрон онлайин-аукцион ким ошди савдоси натижалари бўйича.
4. Бошқа масалалар.

Йиғилишда қатнашдилар

Тошкент шаҳар Солиқ бошқармаси “Солиқ қарзларини ундиришни ташкил қилиш” бўлими вакили Абидов Дилшод; “Octobank” АЖ ишончли вакили, бўлим бошлиғи Мусаев Наврўз Эшберди ўғли; “Rostok-N” масъулияти чекланган жамияти тугатиш бошқарувчиси Мадрахимов Аброржон Алимжанович.

Йиғилишда ҳозир бўлган кредиторлар томонидан кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун кворум мавжудлиги қайд этилди. Йиғилиш кредиторлар талаблари реестрига киритилган ва йиғилишда иштирок этаётган кредиторлар овозлари билан ўтказилди.

Биринчи масала юзасидан

Тугатиш бошқарувчиси йиғилишда ҳозир бўлган кредиторларга тугатишга доир иш юритуви давомида амалга оширилган ишлар юзасидан қуйидагиларни маълум қилди.

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Тошмухаммедов кўчаси 343-уйда жойлашган “ROSTOK-N” МЧЖга (СТИР: 305 218 474) нисбатан Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 25 январдаги 4-1001-2317/62666-сонли ҳал қилув қарорига асосан тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2026 йил 23 февралдаги 4-1001-2317/62666-сонли ажрими билан Мадрахимов Аброржон Алимжанович тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномага кўра “ROSTOK-N” МЧЖнинг устав капитали 619 865 000 сўмни ташкил этади. Жамиятнинг ягона иштирокчиси Дадабоев Муроджон Акмалович бўлиб, унинг улуши 100 фоизни ташкил этади. Жамият директори сифатида Махмудов Фурқат Тулқинович қайд этилган. Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Тошмухаммедов кўчаси 343-уй.

Тугатиш бошқарувчиси томонидан тугатишга доир иш юритувини амалга ошириш мақсадида Тошкент шаҳар Солиқ бошқармаси, Олмазор туман Мажбурий ижро бюроси, Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси”, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси, Давлат божхона қўмитаси, Олмазор туман Давлат хизматлари маркази, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқармаси, “Тошкент ТехПД”, “Octobank” АЖ ва бошқа тегишли ташкилотларга алоқа хатлари юборилган ҳамда “ROSTOK-N” МЧЖ бўйича маълумотлар сўралган.

Тугатиш бошқарувчиси “REAL RENESSANS” МЧЖнинг 2026 йил 26 июндаги 1 БО-сонли баҳолаш ҳисоботи ҳамда “BIZNES BAHOLASH” МЧЖнинг 2026 йил 8 июлдаги эксперт хулосаси бўйича қуйидагиларни маълум қилди.

“BIZNES BAHOLASH” МЧЖ эксперт хулосасида баҳолаш объекти сифатида “ROSTOK-N” МЧЖ устав фондидаги 100,00 фоиз улуш кўрсатилган. Баҳолаш бизнесни мулкий мажмуа сифатида, яъни имущественный ҳуқуқлар, активлар, мажбуриятлар ва корхона қийматини шакллантирувчи иқтисодий элементларни инобатга олган ҳолда амалга оширилган.

Экспертиза хулосасида харажат ёндашуви натижаси бўйича 100 фоиз улушнинг бозор қиймати 13 607 467 916 (ўн уч миллиард олти юз етти миллион тўрт юз олтмиш етти минг тўққиз юз ўн олти) сўмни ташкил этиши кўрсатилган. Шунингдек, ҳисоб-китобларда мажбуриятлар 5 061 326 723 сўм, бизнеснинг бозор қиймати 8 546 141 193 сўм, 20 фоиз тугатиш чегирмаси қўлланилган ҳолда тугатиш қиймати 6 836 912 954 (олти миллиард саккиз юз ўттиз олти миллион тўққиз юз ўн икки минг тўққиз юз эллик тўрт) сўм этиб кўрсатилгани қайд этилди.

Кредиторлар мазкур ҳисоботлар юзасидан муҳокама ўтказиб, электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқаришда бошланғич нарх сифатида тугатиш қийматини эмас, балки эксперт хулосаси билан тасдиқланган бозор қиймати - 13 607 467 916 сўмни қўллаш мақсадга мувофиқ деб топдилар. Бу кредиторлар манфаатларини максимал ҳимоя қилиш, мол-мулкнинг сунъий арзонлаштирилиши хавфини камайтириш ва савдолар шаффофлигини таъминлаш мақсадида белгиланганлигини такидлаб ўтилди.

Савдоларни ташкил этишда Ўзбекистон Республикасининг «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ электрон онлайн-аукцион шаклидаг ким ошди савдоси орқали сотиш чораларини кўриш бўйича мазкур электрон онлайн-аукцион савдосини ташкил этиш ва ўтказиш учун ихтисослаштирилган ташкилот сифатида кредиторларнинг қарори билан «Республика мулк маркази» МЧЖни Низом талабларига риоя қилиниши лозимлиги қайд этилган.

Мазкур электрон онлайн-аукцион савдоси 20.10.2026 йилда бўлиб ўтган ва тадбиркорлар ва харидорлар томонидан қизиқиш билдирилмаганлиги сабабли савдо бўлиб ўтмаганлигини маълум қиламан.

Ушбу холат бўйича кредиторлар атрофлича ўрганиб чиқишларингизни ва такрорий электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш масаласи бўйича ўз таклифларингизни беришларингизни билдираман.

Даъвогар кредитор “Octobank” АЖ ишончли вакили Н.Мусаев сўз олиб ушбу баҳоланган ва экспертизадан ўтган “ROSTOK-N” МЧЖни устав капиталини 100 фоиз улушни 13 607 467 916 (ўн уч миллиард олти юз етти миллион тўрт юз олтмиш етти минг тўққиз юз ўн олти) сўмда бозор қийматида «Республика мулк маркази» МЧЖ электрон савдо платформасига электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилганлиги ва савдодан қайтганлиги сабаблий бозор қийматидан 10 фоиз камайтирилган холда савдоларга чиқарилишини билдираман.

Йиғилишда хозир бўлган барча кредиторлар “Octobank” АЖ ишончли вакили Н.Мусаевнинг таклифини бир овоздан мақулладилар ва эътирозлар билдирилмади.

Йиғилишда тугатиш бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритуви давомида амалга оширган ишлари қониқарли деб топилди. Ҳозир бўлган кредиторлар томонидан мазкур ҳисоботга эътироз билдирилмади.

Овоз бериш натижалари: Рози - 100 фоиз, қарши - йўқ, бетараф - йўқ.

Иккинчи масала юзасидан

Тугатиш бошқарувчиси 2026 йил 20 октябрь ҳолатига “ROSTOK-N” МЧЖ кредиторларининг талаблари реестри шакллантирилганлигини маълум қилди. Реестрда навбатдан ташқари тўловлар, солиқ органи ва “Octobank” АЖ талаблари акс эттирилган.

Талаб номи	Ҳисобланган сумма (сўм)	Қопланган сумма (сўм)	Қолдиқ сумма (сўм)

Навбатдан ташқари тўловлар жами	1 253 359 787,00	100 508 000,00	1 152 851 787,00
Тошкент шаҳар Солиқ бошқармаси талаби	11 177 697,00	-	11 177 697,00
“Octobank” АЖ талаби	5 226 678 216,57	-	5 226 678 216,57
Иккинчи навбат тўловлари жами	5 237 855 913,56	-	5 237 855 913,56
Жами қарздорлик	6 491 215 700,56	-	6 389 079 738,56

Навбатдан ташқари тўловлар таркибида давлат божи, почта харажатлари, муваққат бошқарувчи иш ҳақи ва унга ҳисобланган мажбурий тўловлар, тугатиш бошқаруви харажатлари, “Octobank” АЖ томонидан кадастр хизмати, баҳолаш, экспертиза, тугатиш харажатлари ва эълон учун ўтказилган маблағлар, шунингдек “Биржа” газетасига эълон учун харажатлар кўрсатилган. Биринчи навбатдаги тўловлар бўйича эски иш ҳақи талаблари мавжуд эмаслиги, учинчи ва тўртинчи навбат тўловлари мавжуд эмаслиги қайд этилди. Кредиторлар талаблари реестри атрофлича кўриб чиқилди ва эътироз билдирилмади ва бир овоздан тасдиқланган.

Овоз бериш натижалари: Рози - 100 фоиз, қарши - йўқ, бетараф - йўқ.

Учинчи масала юзасидан

Учунчи масала юзасидан тугатиш бошқарувчиси қуйдагиларни такидлаб ўтди.

Хурматли кредиторлар!

Савдоларни ташкил этишда Ўзбекистон Республикасининг «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ электрон онлайн-аукцион шаклидаг ким ошди савдоси орқали сотиш чораларини кўриш бўйича мазкур электрон онлайн-аукцион савдосини ташкил этиш ва ўтказиш учун ихтисослаштирилган ташкилот сифатида кредиторларнинг қарори билан «Республика мулк маркази» МЧЖни Низом талабларига риоя қилиниши лозимлиги қайд этилган.

Мазкур электрон онлайн-аукцион савдоси 20.10.2026 йилда бўлиб ўтган ва тадбиркорлар ва харидорлар томонидан қизиқиш билдирилмаганлиги сабабли савдо бўлиб ўтмаганлигини маълум қиламан.

Ушбу холат бўйича кредиторлар атрофлича ўрганиб чиқишларингизни ва такрорий электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш масаласи бўйича ўз таклифларингизни беришларингизни билдираман.

Даъвогар кредитор “Octobank” АЖ ишончли вакили Н.Мусаев сўз олиб ушбу баҳоланган ва экспертизадан ўтган “ROSTOK-N” МЧЖни устав капиталини 100 фоиз улушни 13 607 467 916 (ўн уч миллиард олти юз етти миллион тўрт юз олтмиш етти минг тўққиз юз ўн олти) сўмда бозор қийматида «Республика мулк маркази» МЧЖ электрон савдо платформасига электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилганлиги ва савдодан қайтганлиги сабабли бозор қийматидан 10 фоиз камайтирилган холда 12.246.721.124,0 (ўн икки миллиард икки юз қирқ олти миллион етти юз йигирма бир минг бир юз йигирма тўрт) сўмга «Республика мулк маркази» МЧЖ электрон савдо платформасига электрон онлайн-аукцион савдоларга чиқарилишини билдираман.

Йиғилишда хозир бўлган барча кредиторлар “Octobank” АЖ ишончли вакили Н.Мусаевнинг таклифини бир овоздан мақулладилар ва эътирозлар билдирилмади.

Йиғилишда тугатиш бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритуви давомида амалга оширган ишлари қониқарли деб топилди. Ҳозир бўлган кредиторлар томонидан мазкур ҳисоботга эътироз билдирилмади.

Овоз бериш натижалари: Рози - 100 фоиз, қарши - йўқ, бетараф - йўқ.

Тўртинчи масала юзасидан

Бошқа масалалар бўйича йиғилиш иштирокчилари томонидан қўшимча таклиф ва эътирозлар билдирилмади.

Овоз бериш натижалари: Рози - 100 фоиз, қарши - йўқ, бетараф - йўқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кредиторлар йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тугатиш бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритуви давомида амалга оширган ишлари юзасидан тақдим этилган батафсил оралиқ ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва қониқарли деб топилсин.

2. “ROSTOK-N” МЧЖнинг 2026 йил 20 октябрь ҳолатига шакллантирилган кредиторлар талаблари реестри тасдиқлансин.

3. “ROSTOK-N” МЧЖни Лот тавсифида 100 фоиз улуш жамиятнинг бизнеси, мулкий мажмуаси, активлари, ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи, 7,5 гектар мевали боғи ва 2,0 гектар ер майдонидаги енгил конструкцияли иссиқхонаси билан боғлиқ корпоратив назорат ҳуқуқи эканлиги кўрсатилсин ва бозор қийматидан 10 фоиз камайтирилган холда 12.246.721.124,0 (ўн икки миллиард икки юз қирқ олти миллион етти юз йигирма бир минг бир юз йигирма тўрт) сўмга «Республика мулк маркази» МЧЖ электрон савдо платформасига электрон онлайн-аукцион савдоларга 15 кунлик муддатга чиқарилсин.

Тугатиш бошқарувчиси: _____ / А. Мадрахимов /

“Octobank” АЖ вакили: _____ / Н. Мусаев /

Тошкент шаҳар Солиқ бошқармаси вакили: _____ / Д. Абидов /

“ROSTOK-N” МЧЖ ягона иштирокчиси: _____ / М. Дадабоев/